

йилларда ҳам ички валюта бозорини янада такомиллаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давом этади.

Хулоса ва таклифлар. Мамлакатимизда валюта сиёсатининг экспортни ривожлантиришдаги рағбатлантирувчи ролини ошириш мақсадида қуйидагиларни амалга оширишни мақсадга мувофиқ, деб ҳисоблаймиз:

- Ўзбекистоннинг ташқи хорижий ҳамкор давлатлари валюталарига нисбатан сўмнинг реал алмашув курси ошиб кетишига йўл қўймаслик, зарурат бўлганда жадаллаштирилган девальвация сиёсатини қўллаш;

- валюта алмашув курси барқарорлигини таъминлаш мақсадида асосий савдо ҳамкори ҳисобланувчи давлатлар марказий банклари ўртасидаги валюта ликвидлигини оширишга қаратилган валюта свопи битимлари линияларини ишга тушириш;

- валюта курсини белгилаш механизми шаффофлигини ошириш ва бу жараёнга Марказий банк аралашувини чеклаш мақсадида биржа савдоларида курс белгилашнинг оддий фиксинг усулидан воз кечиш;

- мамлакат иқтисодиётидаги долларлашув кўламини қисқартириш мақсадида миллий олтин бозори режимини белгилаш ва унда олтин нархи шаклланишининг бозор механизмларини жорий этиш;

- мамлакатда фаолият юритувчи тижорат банклари мажбуриятлари “долларлашуви” нинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар тизимини ишлаб чиқиш ва бунда валюта рискинни ҳежирлаш чораларини кўзда тутиш;

- мамлакат иқтисодиётга хорижий капиталлар оқимини рағбатлантириш мақсадида капиталлар ҳаракатини тартибга солиш тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш;

- республикада фаолият юритувчи тижорат банкларида маҳаллий компаниялар товар ва хизматларини ташқи бозорларда сотилишини рағбатлантириш учун экспорт кредитлари ҳажминини ошириш.

Хулоса ўрнида такидлаш керакки, валюта курси ўзгаришининг компаниялар фаолияти, хусусан, экспорт рақобатбардошлигига таъсирининг якуний натижаси ижобий ёки салбий бўлиши муқаррардир. Хусусан, девальвация корхоналар экспорт салоҳиятини ошириш орқали рақобатбардошликка ижобий таъсир этиши борасида ҳам ноаниқлик сақланиб қолаверади. Шу сабабли, сўмнинг хорижий валюталарга нисбатан алмашинув курсини пасайтириш орқали экспортни қўллаб-қувватлашда ҳўжалик субъектларининг баланслари таркиби, хусусан, хорижий валютадаги мажбуриятлари ва активларининг муддат ва миқдор жиҳатдан мутаносиблиги омилларини ҳисобга олиш зарур.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги 07.02.2017 йил. №ПФ-4947-сонли фармони. “Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами”, 2017 йил 13 февраль, 6-сон, 70-модда.
3. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки “Пул-кредит сиёсатининг 2022 йил ва 2023-2024 йиллар даврига мўлжалланган асосий йўналишларига бағишланган” дастлабки концептуал лойиҳа. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки, 2021 йил.
4. Гилберт М. В поисках единой валютной системы. – М.: ПРОГРЕСС, 1984. - 95 бет.
5. Бобакулов Т.И., Абдуллаев У.А. “Халқаро валюта-кредит муносабатлари” ўқув қўлланма. – Т.: ТМИ, 2014.
6. Бекмуродов А.Ш., Жумаев Н.Х. (2019). Валюта сиёсатини эркинлаштириш шароитида тўлов балансини тартибга солишнинг концептуал жиҳатлари. //UzBridge, 1 – сон. май, 2019 й.
7. Валиев У.Г. “Ўзбекистон валюта бозорини либераллашуви жараёнида амалга ошириб келинаётган услохотлар қандай натижа бермоқда” мавзусидаги илмий мақола. //Moliya va Bank ishi. 1-сон (2022).
8. <https://cbu.uz/oz/press-center/reviews/584764>.
9. <https://bfa.uz>.



ПАХТА-ТЎҚИМАЧИЛИК КЛАСТЕРЛАРИ МАҲСУЛОТЛАРИ ЭКСПОРТИНИ АМАЛГА ОШИРИШДА ДИВЕРСИФИКАЦИЯ УСУЛЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Мансуров Саидхўжа Камалович -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
таянч докторанти

https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a2

Аннотация. Ушбу мақолада мамлакатимизда тўқимачилик саноатининг бугунги кундаги таҳлили, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ва мамлакатлар кесимида экспорт кўрсаткичлари ҳамда тўқимачилик саноатини янада ривожлантириш бўйича таклифлар келтирилган.

Калит сўзлар: ноистеъмол товарлари, ялпи ички маҳсулот, экспорт ҳажми, диверсификация, хомашё, бойкот, маҳсулот таннархи, рақобатбардошлик, қўшимча қиймат, кластер, ип-калава, трикотаж мато, тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари, бож ставкаси.

СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДОВ ДИВЕРСИФИКАЦИИ ПРИ ОСУЩЕСТВЛЕНИИ ЭКСПОРТА ПРОДУКЦИИ ХЛОПКОВО-ТЕКСТИЛЬНОГО КЛАСТЕРА

Мансуров Саидхўжа Камалович -

Базовый докторант Ташкентского государственного экономического университета

Аннотация. В данной статье представлена анализ состояния текстильной промышленности страны, объемы производства и показатели экспорта по странам, а также предложения по дальнейшему развитию текстильной промышленности.

Ключевые слова: Непотребительские товары, валовой внутренний продукт, объем экспорта, диверсификация, сырье, бойкот, себестоимость продукции, конкуренто-способность, добавленная стоимость, кластер, пряжа, трикотаж, готовые трикотажные изделия, таможенная ставка.

IMPROVEMENT OF DIVERSIFICATION METHODS IN THE EXPORT OF COTTON AND TEXTILE CLUSTER PRODUCTS

Mansurov Saidkhodja Kamalovich -

Basic doctoral student of Tashkent State University of Economics

Abstract: This article provides an analysis of the current state of the textile industry in the country, the volume of production and export figures by country, as well as proposals for further development of the textile industry.

Keywords: Non-consumer goods, gross domestic product, export volume, diversification, raw materials, boycott, product cost, competitiveness, value added, cluster, yarn, knitted fabrics, ready-made knitted products, custom rate.

Кириш. Бугунги кунда, тўқимачилик саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий драйвери ҳисобланиб, республиканинг барча ҳудудлари иқтисодиёти ривожланишида тўқимачилик саноатининг улуши муҳим ҳисобланади. Пахта саноатини трансформациялаш ортидан пахта хомашёни чуқур қайта ишлаш босқичи пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан амалга ошириб келинмоқда. Республикамизда йиллик ўртача 3,0 млн тонна пахта хомашёси тайёрланади, бугунги кундаги уларнинг барчаси пахта-тўқимачилик кластерлари томонидан чуқур қайта ишланиб, қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш босқичма-босқич амалга ошириб келинмоқда.

Бу борада мамлакатимиз раҳбарияти томонидан тўқимачилик саноатига тегишли кўплаб фармон ва қарорлар негизда тўқимачилик саноатини стратегик ривожлантиришда интеграцион ва диверсификация усуллари қўллаш орқали жаҳон бозорларига рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳисобланади.

Пахта-тўқимачилик кластерлари ривожланишида диверсификация усулларида фойдаланиш муҳим ҳисобланади. Диверсификация асосида саноат маҳсулотларининг рақобат курашида барқарорликни ошириш, маҳсулот турларини ўзгартириш, синергетик самарадан фойдаланиш, корхона фойдасини оширишда савдо жойларини қидириш, иқтисодиётнинг нотекис ривожланиши (баъзи фирмаларнинг ривожланиши, бошқаларнинг эса банкрот бўлиши) молиявий рискларни камайтиришга асосланади.

Диверсификация сўзи (лотин тилидан олинган бўлиб, “diversificatio” ўзгартириш, турли хил) корхона (бирлашма)ларнинг фаолият соҳаси ва ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар тури кенгайиши, янгиланиб туриши ва маҳсулотларнинг янги бозорларини ўзлаштиришни англатади. Диверсификация натижасида турлитуман товарлар ишлаб чиқарувчи, хизмат кўрсатувчи ҳамда ишланмалар билан банд кенг тармоқли, аммо ҳамиша ҳам технологик жиҳатдан ўзаро боғланмаган мажмуалар дейилади.

Дунё мамлакатларида диверсификация жараёни XX асрнинг 50-йиллари ўрталарида ривожлана бошлади. Дастлаб АҚШ, Япония, Ғарбий Европа давлатларида диверсификация саноат, транспорт, қурилиш, молия соҳаларида вужудга келади. Шу боис диверсификация характери мазкур давлатларнинг ижтимоий-иқтисодий омиллари, шунингдек, бошқа давлатларга тегишли умумий омиллар билан белгиланади.

Диверсификацияда фирмалар, айниқса монополь фирмалар кўп тармоқлилик тусини олади. Улар, аввало, кўп даромадли, тез ривожланувчи соҳаларда фаолият бошлайди. Компанияларда маҳсулот ишлаб чиқариш билан бирга, шу маҳсулот учун зарур хомашёни ҳам тайёрлашга киришилади. Маблағлар кам даромадли соҳадан тежалиб, кўп фойда берувчи тармоқларга сарф этилади. Масалан, АҚШ концернлари хизмат кўрсатиш, қурилиш, ер майдонлари савдоси, савдо-сотиқ ахбороти, жиҳозларни ижарага бериш билан фаолият юритади [1].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Диверсификация сўзининг таърифи хорижий

олимлар томонидан назария ва амалиётда турли хил усулларда кўрсатиб берилган.

А.М.Румянцеванинг таъкидлашича, диверсификация деганда корхоналар ёки корхоналар бирлашмалари томонидан ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ассортиментини кенгайтириш, корхоналарнинг ўз жамғармаларидан янги ишлаб чиқариш турларини ташкил этиш, саноатнинг бошқа соҳа ва тармоқларига кириб бориш учун фойдаланиш билан боғлиқ ҳолда аниқланади. Сиёсий иқтисодий луғатда диверсификация деганда йирик компанияларнинг бевосита саноат алоқаси ёки фаолиятининг асосий тармоғига функционал боғлиқлиги бўлмаган тармоқларга кириб бориш тушунилади [2].

В.А.Пономаревнинг фикрича, диверсификация амалдаги соҳадан воз кечиб, бошқа соҳага ўтишдир. Бунинг сабаби сифатида корхонада рентабеллик даражаси пастлиги ва молиявий тақчиллиги дея таъриф берган [3]. Мазкур назарияга мувофиқ, диверсификация бир соҳадан бошқа соҳага ўтилмайди, аксинча амалдаги ишлаб чиқаришнинг мавжуд имкониятлардан тўғри фойдаланган ҳолда бозор сегментларига кириб боришга қаратилган жараён ҳисобланади.

В.Д.Маркованинг назариясига кўра диверсификация – ишлаб чиқарилган маҳсулот турлари кенгайиши, маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга йўналтиришнинг турли-туманлиги ҳисобланади. Яна диверсификация деганда ташкилот капиталининг ишлаб чиқариш жараёнига йўналтирилиши ёки фаолиятнинг асосий соҳаси билан функционал жиҳатдан боғлиқ бўлмаган ташкилотнинг бошқа йўналишларида фаолият юритиши ва ривожлантирилиши ҳисобланади [4]. Фикримизча, бу олимнинг назарияси кенг маънода шакллантирилган бўлиб, диверсификациянинг барча йўналишларини корхона амалиётига жорий этиш мақсадга мувофиқ.

И.Ансофф назариясига кўра, диверсификация муайян корхонада мавжуд ресурсларни фаолиятнинг бошқа соҳаларига қайта тақсимлаш жараёнига қўлланилувчи атама. Бу жараён янги технологияларга ўтиш, янги бозорлар ва янги тармоқларга кириш имконияти билан боғлиқ. Шунингдек, келажакда ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар мутлақо янги бўлиши, ҳамда уларни ишлаб чиқариш учун инвестициялардан фойдаланиш талаб этилади [5].

Ф.Котлернинг фикрича, фирманинг диверсификация стратегияси янги бозорлар учун янги турдаги маҳсулотларни ишлаб чиқариш имконияти сифатида белгиланади [6].

Т.Кононинг фикрига кўра, корхонада ишлаб чиқарилган маҳсулот тури фақат бир турдаги маҳсулот билан чекланган бўлса, бундай корхона бошқа турдаги маҳсулот ишлаб чиқаришдан чекланганлиги сабабли, ягона

ихтисослашган корхона ҳисобланади. Аксинча агар хар хил турдаги маҳсулот ишлаб чиқарилган бўлса, бундай корхона диверсификациялашган корхона ҳисобланади. Бозор муносабатлари шаклланишига кўра, корхона диверсификацияланади ёки бир турдаги маҳсулот ишлаб чиқариш билан чекланади [7].

Р.Питс ва Х.Хопкинс таърифида бироз бошқача жиҳатга амал қилиниб, диверсификацияни бир вақтнинг ўзида бир нечта бизнес турларини юритиш сифатида белгилайдилар [8]. Улар диверсификациянинг ривожланиши ёки хавфини камайтириш учун асосий бизнесни кенгайтириш усули сифатида қуйидагиларни белгилайдилар:

-бевосита тўғридан-тўғри мавжуд бизнеснинг рақобатбардошлигини сақлашга қаратилганидан ташқари барча инвестицияларни ўз ичига олади;

-янги маҳсулотлар, хизматлар, бозор сегментлари ва хорижий бозорларни инвестиция шаклида қабул қилиш мумкин;

-ички ривожланиш, маҳсулот сотиб олиниши, қўшма корхоналарни ташкил этиш ва лицензия шартномаларига бир неча усуллар билан эришиш мумкин.

М.Портернинг фикрича, диверсификация тармоқдаги хўжалик бирлашмаларининг ўзгариши (кенгайиши ёки камайтириши) ва маҳсулот ассортиментлари кўпайишидир [9].

Юқоридаги олимларнинг назария ва фикрларига таянган ҳолда шундай хулосага келиш мумкинки, диверсификация аниқ бир ташкилот фаолиятини тугатиши билан бошқа соҳага кириши эмас, балки амалда фаолияти юритаётган ташкилотнинг келгусида ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўлида амалга ошириладиган бозор сегментларига тааллуқли жараён сифатида тушуниш мумкин.

Тадқиқот методологияси. Изланиш давомида иқтисодий, статистик, қиёсий таҳлил, хронологик кузатув ва математик усуллардан фойдаланилди. Шунингдек, хорижий олимларнинг мавзу дорасида чоп этилган илмий ишларидан ҳам фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар. Ўзбекистонда тўқимачилик саноати ривожланиб бораётган етакчи саноат тармоқларидан бири ҳисобланади. Хар йили мамлакатимизда кўплаб тадбиркорлик субъектларининг айнан шу соҳада фаолият бошлашлари соҳанинг тараққий этишига хизмат қилади. Бугунги кунда Ўзбекистонда 7000 мингдан ортиқ кичик ва ўрта бизнес вакиллари тўқимачилик соҳасида фаолият юритаётган бўлиб, ушбу соҳада банд бўлган ишчи ва ходимлар сони 378 мингтани ташкил этади [10].

2017 йилда тўқимачилик саноатида тарихий ривожланиш йили бўлди. Хусусан, Ўзбекистон учун жаҳон миқёсида энг оғриқли

бўлиб қолган пахта йиғим-теримида болалар, мактаб ўқитувчилари, шифокорлар ҳамда давлат идора ва ташкилотлари ходимлари мажбуран пахта йиғим-теримга жалб этилиши Хукумат қарори билан буткул бартараф этилди.

Буни яқинда халқаро пахта коалицияси томонидан ўзбек пахтасига байкотнинг бекор қилиниши мамлакатимизнинг жаҳон миқёсида

ўзбек пахтасидан тайёр рақобатбардош маҳсулотларга талабини кескин оширади.

Ўзбекистон пахта-тўқимачилик кластерларининг жами экспорт ҳажми ҳар йили ортиб бормоқда. Маълумотларга кўра, 2021 йилда жами кластер ва тўқимачилик маҳсулотлари экспорти тахминан 3,0 млрд. долларни ташкил этиб, 2020 йилга нисбатан ўсиш суръати 150 фоизни ташкил этди[10].



1-расм. 2021 йилда амалга оширилган тўқимачилик маҳсулотларининг экспорт номенклатураси

Манба: “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари асосида тайёрланди.

Расмдан кўриниб турибдики, 2021 йилда ип-калаванинг экспортдаги улуши 36 фоизни ташкил қилди, бу кўрсаткич хомашёни қайта ишлаш ҳисобига сезиларли даражада пасайгани яхши, лекин асосий стратегик вазифа мамлакатда етиштирилган пахтадан тайёр бўлган ип-калава хомашёни тўлиқ қайта ишлаш занжирини яратиш орқали қўшимча қийматга эга рақобатбардош маҳсулотларни ички ва ташқи бозорларга экспортга йўналтириш ҳисобланади.

Бу борада соҳада тизимли ишлар амалга ошириб келинмоқда, ҳукумат томонидан олиб борилаётган ислохотларнинг асосий негизи бу ип-калава хомашёсини тўлиқ қайта ишлаш орқали яримтайёр маҳсулотлар ишлаб чиқариш, маҳсулот ҳажмини кўпайтириш ва экспорт географиясини кенгайтиришга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги ПҚ-4453-сон “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” қарори 1-бандига асосан хомашёни чуқур қайта ишлаш асосида бозор эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда юқори қўшилган қийматга эга тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ҳамда 2020-2025 йилларга мўлжалланган экспорт фаолиятининг мақсадли параметрлари шакллантирилган[11].

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотларига кўра, 2026 йилда тўқимачилик маҳсулотларининг жами экспорт ҳажми 7,6 млрд.

долларни ташкил этилиши кутилмоқда. Бу борада тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш, корхоналарда модернизация ишларини ўз вақтида амалга ошириш натижасида янги ишлаб чиқариш қувватларини ишга тушириш, соҳани интеграцион ва инновацион орқали ривожлантиришнинг кластер моделини жорий этиш белгиланган натижаларни амалга оширишга хизмат қилади.

Соҳанинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши ва тадбиркорлик субъектларига берилаётган имтиёзлар натижасида мамлакатлар миқёсида экспорт қилишни диверсификация усули ривожланиб бормоқда. 2021 йил натижаларга кўра, тўқимачилик ва тикув-трикотаж маҳсулотлари экспорти жаҳоннинг 66 та мамлакатга тўғри келади. 2016 йилда бу кўрсаткич 43 та давлатни ташкил қилган бўлса, 2016 йилга нисбатан ўсиш суръати мамлакатлар кесимида 153 %ни ташкил қилган[10].

Маҳаллий корхоналар томонидан тўқимачилик маҳсулотлари минтақалар кесими бўйича МДХ мамлакатларга 1524,2 млн.доллар, Европа Иттифоқи ва Туркия мамлакатларига 626,5 млн. доллар, Жанубий ва Шарқий Осиё мамлакатларига 612,0 млн.доллар, Жанубий Осиё мамлакатларига 73,7 млн.доллар, Америка мамлакатларига 13,4 млн.доллар, Африка мамлакатларига 32,1 млн.доллар, Жануби-ғарбий Осиё мамлакатлари 45,8 млн.доллар ва бошқа мамлакатлар 3,2 млн.долларни ташкил қилди. [10]

Ўзбекистон тўқимачилик маҳсулотларининг анъанавий бозорлари Россия, Хитой, Туркия бўлиб, бу давлатларга экспорт кўрсаткичлари 2021 йилда 2 035,0 млн. АҚШ доллари ҳамда умумий экспорт ҳажми улушининг 69,4 фоизни ташкил қилди. Ушбу давлатларга асосан ип-калава, трикотаж мато, тайёр-тикув трикотаж маҳсулотлари экспорт қилинган[10].

Ўзбекистон Республикаси ҳудуди шарқ ва ғарб ҳудудларини боғлайдиган Буюк ипак йўлининг марказида жойлашганини ҳисобга олган ҳолда Европа бозорларини ўзлаштириш маҳаллий табиий хомашёдан тайёр маҳсулотларга талаб юқори даражада эканлигидан далолат беради. Европа Иттифоқ 50 та мамлакатларни ўз ичига олган бўлиб, аҳоли сони ушбу мамлакатларда 748,1 млн кишини ташкил қилади. Халқаро пахта коалицияси томонидан ўзбек пахтасига байкотнинг бекор қилиниши тўқимачилик саноатини янги босқичга олиб чиқиш имкониятини берди.


Ҳозирги кунда Европа Иттифоқи мамлакатларига дунё брендлари остида бизнес фаолиятини юритаётган Бангладеш, Вьетнам, Туркия, АҚШ, Хитой ва бошқа мамлакатлардан тўқимачилик маҳсулотлари импорт қилинмоқда. Вьетнам 2019 йилда 4,3 млрд. АҚШ доллари, Хитой 2018 йилда 47,8 млрд. АҚШ доллари миқдоридаги тўқимачилик маҳсулотлари Европага йўналтирилган[12].

Ўзбекистон Европа Иттифоқи мамлакатларига тўғридан-тўғри экспортни амалга оширса, яъни транзит орқали Россия ва Туркия дав-

латларидан чиқиб кетувчи маҳсулотларга чек қўйилса ҳамда Европа Иттифоқ бераётган талаблар маҳаллий корхоналар томонидан тўлиқ бажарилса, Европа бозорига тайёр маҳсулотларнинг экспорт ҳажми 3-4 баробар кўпайишига олиб келади.

“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотларига кўра, 2021 йилда экспорт ҳажмининг учдан бир қисми 1 018,3 млрд. АҚШ долларилик ип-калава маҳсулотлари жаҳон бозорларига етказиб берилган. Асосий ип-калава маҳсулотлари етказиб бериладиган анъанавий бозорлар Россия, Туркия, Хитой ва бошқалар. Экспорт қилинган хомашёнинг (ип-калава) аксарият қисми чуқур қайта ишлаш натижасида мамлакатимиз бозорларга номдор брендлар остида кириб келмоқда, яъни импорт қилинмоқда. Тўқимачилик саноатига тегишли кўплаб фармон ва қарорлар ишлаб чиқилса-да, тадбиркорлик субъектлари томонидан ип-калава хомашё маҳсулоти тўлиқлигича маҳаллий корхоналар томонидан қайта ишланмаган. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, пахта-тўқимачилик кластерларида тўлиқ қайта ишлаш занжирини ташкил қилиш ва қўшимча қиймат ҳисобига у кўрсаткичнинг ўртача қиймати 3 869,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилади.

Экспортга йўналтириладиган маҳсулотларни диверсификация қилиш ва қайта ишлашни янада такомиллаштириш мақсадида соҳада бугунги кунда тадбиркорлик субъектлари томонидан бир қанча муаммолар илгари сурилган.



2-расм. Тўқимачилик маҳсулотлари экспорт кўрсаткичларини кўпайтиришнинг мавжуд муаммолари

Хулоса ва таклифлар. Ҳозирги кунда кластер ва тўқимачилик корхоналари мамлакат иқтисодиёти ривожига ҳамда мамлакатимиз турмуш тарзини юксалтиришда муҳим аҳамиятга эга эканлигини намоён этади. Шу ўринда, кластер ва тўқимачилик корхоналарида амалга оши-

рилаётган иқтисодий ислохотлар нафақат тадбиркорлар, балки юртнинг ўзбек бренди номи асосида ишлаб чиқарилган тайёр тикув-трикотаж маҳсулоти ассортиментлари кенгайтириши, мамлакатимизнинг чекка ҳудудларига маҳаллий ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар

кириб келиши натижасида, ҳудуднинг саноат улусининг ошиши, шунингдек, ҳудуд аҳолисининг турмуш тарзи ва иш билан бандлик кўрсаткичлари ва ниҳоят ҳудудий экспорт кўрсаткичлари таъминланишига сабаб бўлади.

Пахта-тўқимачилик кластерларининг иқтисодий тенденцияси ва тайёр маҳсулотларнинг хорижий бозорларида рақобатбардошлик кўрсаткичларни ошириш, 2026 йил якунига қадар ишлаб чиқариш корхоналарининг экспорт натижаларини 7 млрд. АҚШ долларидан ошириш, Европа Иттифоқи мамлакатлари бозорларига киришда қуйида келтирилган таклифларни амалда ижросини таъминлаш мақсадга мувофиқ:

1. Маҳаллий логистика компаниялари томонидан Европа мамлакатлари ҳудудига киришга рухсат берувчи “Ижозат” лицензиясини беришни кўпайтириш ва уларнинг ишлаш механизмини янада соддалаштириш ҳамда шаффолаштириш чораларини ишлаб чиқиш натижасида маҳаллий юк ташувчи компаниялар доимий равишда экспорт юklarини ташишига замин яратилади.

2. Экспорт шартнома ижросини белгиланган муддатларда таъминлашда маҳаллий тўқимачилик корхоналарига Хитойдан келтириладиган хомашё ва бутловчи қисмларни Хитой ва бошқа (транзит) йўналишидаги мамлакатлар темир йўл станцияларида Ўзбекистон юк олувчилар учун йуналтирилган юклар миқдорини, вақтинча тўхтаб ва қолиб кетиш сабабларини ўрганиш асосида, уларни ўз манзилларига қисқа муддатларда етиб боришини йўлга қўйиш.

Шунингдек, Хитойдан юкларни Ўзбекистон Республикасига киритиш учун алтернатив йўналишдаги маршрутларни (Тошкент-Андижон-Ўш-Иркиштан-Қашғар ва бошқалар) ҳамда автомобилларда маҳаллий юк ташувчиларни жалб этган ҳолатда юкларни етказиб бериш чораларини тезлаштириш.

Хорижий мамлакатлар, хусусан, Европа иттифоқи мамлакатларидан келаётган буюртмаларни ўз муддатидан кечиктирмаган ҳолда бажариш таъминланади, шу билан бирга мамлакатимизда кўшимча 50 млн. АҚШ доллари миқдоридан тайёр маҳсулотлар экспорти йўлга қўйилади.

3. Мамлакатимиз тайёр тикув-трикотаж маҳсулотлари Тожикистонга олиб кирилишида амалда қўлланилувчи давлат бож (30 фоизгача)

ставкаларини камайтириш ёки умуман олиб ташлаш масаласини ҳал этиш.

Хусусан, жисмоний шахслар томонидан Тожикистонга олиб кетиладиган тўқимачилик маҳсулотлари тўғридан-тўғри шартномалар асосида эмас, балки жисмоний шахслар (карго-сервис) орқали етказилади ва бу расмий статистик экспорт ҳисоботларида намоён этилмаслигини эътиборга олган ҳолда, жисмоний шахслар томонидан хорижий мамлакатларга олиб чиқилган маҳсулотлар экспорт статистик ҳисоботларда намоён этилиши ва шу асосда ишлаб чиқарувчиларга нисбатан экспортчи корхоналарга қўлланиб келинадиган тартибларни жорий этиш.

(Изоҳ 1 дона костюм-шимнинг ўртача экспорт нархи 13-15 АҚШ доллари ҳисобланиб, Тожикистонда бож тўловлари ва транспорт харажатидан сўнг бу нарх 18-20 АҚШ долларини ташкил этмоқда. Шу билан бирга, Тожикистон бозоридан Хитой ва Туркия давлатларида ишлаб чиқарилган костюм-шимнинг ўртача нархи 15-17 АҚШ долларини ташкил этади)

Таҳлил ва ҳисоб китобларга асосан, Тожикистоннинг йиллик костюм-шим маҳсулотларига талаби 3,0 миллион дона 50 млн. АҚШ доллари ва бошқа туркумдаги тўқимачилик маҳсулотларига 60 млн. АҚШ долларидан зиёд талабни ташкил этади.

Юқоридагилар амалга оширилиши натижасида дастлабки босқичда Тожикистондаги тўқимачилик маҳсулотлари бозорининг энг камида 3 дан 1 қисми Ўзбекистон маҳсулотларига тўғри келиши эҳтимоли ва қўшни давлатга тайёр маҳсулотлар экспорти ҳажми 3 баробар ёки 40 млн. АҚШ долларидан ошиши кутилади.

4. Маҳаллий экспорт қилувчи корхоналар “BCI”, “SEDEX”, “OEKO TEX”, “GOTS”, “Яшил Тугма”, “WRAP”, “Social Accountability 8000”, “Nature textile”, “Soil association” ва “BSCI” каби сертификатларнинг жорий этилишини кенг тарғиб этишни йўлга қўйиш натижасида, уларни жорий этишда “Ягона Ойна” мезонларига асосланган ҳолда соддалаштирилган тизимни ишлаб чиқиш.

“Ягона Ойна” тизимида корхоналарга Европа Иттифоқи ва бошқа давлатлар сертификатлари ўзлаштирилишида қулайликлар амалга оширилади. Мамлакат тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларининг Европа бозорларига кириб бориши натижасида “GSP+” дастуридан унумли фойдаланишга эришилган бўлади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. www.uz.wikipedia.org
2. Румянцев А.М. Иқтисодий энциклопедия. Сиёсий энциклопедия. – М.: Совет энциклопедияси, 1972. -560 б.
3. Пономарев В.А. Оценка внутренних возможностей фирмы и выработки стратегии управления. – М.: Дело, 2001.-205 с.
4. Маркова В.Д. Стратегический менеджмент/ В.Д.Маркова, С.А.Кузнецова. – М.: ИНФРА-М Новосибирск: Сибирское отделение, 2009.- 288 с.

5. Ansoff I., Mc Donell E. *Implanting strategic management*. Prentice Hall, 1990-568 p.
6. Котлер Ф. *Основы маркетинга пер. с англ.* – М.: Ростинтер, 1996.
7. Коно Т. *Стратегия и структура японских предприятий.* – М.: Мысль, 1987.-214 с.
8. Новицкий Е.Г. *Проблемы стратегического управления диверсифицированными корпорациями.* – М.: Буквица, 2001.
9. Портер М. *Конкуренция: пер. с англ.* – М.: Издательский дом “Вильямс”, 2005.- 126 с.
10. “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси маълумотлари www.uzts.uz.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 16 сентябрдаги “Енгил саноатни янада ривожлантириш ва тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-4453-сонли қарори www.lex.uz
12. www.review.uz №9 (248,249) 2020.
13. Saidov Mashal Samadovich (2023). *Ways of Introduction of Modern Management Mechanisms in the Electric Power Sector of Uzbekista. International Journal of Business Diplomacy and Economy Volume 2, No 1 | Jan- 2023. P. 98-110.* <https://inter-publishing.com/index.php/ijbde/article/view/977/843>
14. Saidov Mashal Samadovich (2023). *Renewable Energy Sources and Ways of their Implementation in the Republic of Uzbekistan. INTERNATIONAL JOURNAL ON ECONOMICS, FINANCE AND SUSTAINABLE DEVELOPMENT ISSN (electronic): 2620 - 6269/ ISSN (printed): 2615 - 4021 Vol. 5 No. 1 | January 2023. P. 38-52.* <https://journals.researchparks.org/index.php/IJEFSD/article/view/3879/3668>
15. Saidov Mashal Samadovich (2023). *Improving Management Efficiency at Oil and Gas Industry Enterprises in Uzbekistan. Academic Journal of Digital Economics and Stability Volume 25, Jan-2023. P. 15-24. ISSN 2697-2212 Available Online: https://economics.academicjournal.io/index.php/economics/article/view/622/620*
16. N.K.Yuldashev, M.S. Saidov. (2023) *The Economy of the Countries of the World is Experiencing the Need for Nuclear Power Plants. AMERICAN JOURNAL OF ECONOMICS AND BUSINESS MANAGEMEN. ISSN: 2576-5973Vol. 6, No.1,2023.* <https://globalresearchnetwork.us/index.php/ajebm/article/view/1890/1718>
17. Саидов М.С. (2023) *Электр энергетика тармоғини бошқаришдаги муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари. Журнал. Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар // №1. 2023 йил, 183-194 б. file:///C:/Users/Acer/Downloads/19_Saidov+183-194.pdf*
18. Саидов М.С. (2023) *Электр энергетика тармоғини тартибга солиш ва бошқаришнинг иқтисодий хусусиятлари. Журнал. Иқтисодиёт ва таълим // №1. 2023.*

БОЗОРНИНГ ИНСТИТУЦИОНАЛ ТИЗИМИДА УЙ ХЎЖАЛИГИ ФАОЛИЯТИ ҚОНУНИЯТЛАРИ



https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss2/a3

Абдуллаева Мадина Камировна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Фундаментал иқтисодиёт кафедраси доценти, и.ф.н.
Холбекова Ферузахон Расуловна -
Тошкент давлат иқтисодиёт университети,
Иқтисодиёт кафедраси доценти, PhD

Аннотация. Уй хўжалигини тадқиқ этишнинг мураккаблиги, иқтисодий ва ҳуқ-атвор (институционал) омилларининг ўзаро бир-бирига боғлиқлиги, уй хўжаликларининг даромадларига асосий эътибор қаратиш лозимлиги кўрсатилган. Мамлакатимиздаги уй хўжаликлари фаолиятини бозор механизми таъсирида тартибга солиш бўйича илмий-услубий ва амалий таклиф ва тавсиялар келтирилган.

Калит сўзлар: уй хўжалиги, институционал бирлик, инсон капитали, рационал хатти-ҳаракатлар, неоклассик назария, институционал иқтисодиёт, ахборот миқёси, уй хўжалиги даромадлари, уй хўжаликлари жамғармалари.

ЗАКОНОМЕРНОСТИ ДОМОХОЗЯЙСТВ В ИНСТИТУЦИОНАЛЬНОЙ СИСТЕМЕ РЫНКА

Абдуллаева Мадина Камировна -
Ташкентский государственный экономический университет,
Доцент кафедры «Фундаментальная экономика», к.э.н.
Холбекова Феруза Расуловна -
Ташкентский государственный экономический университет, доцент кафедры «Экономика», PhD

Аннотация. В статье рассмотрены сложность исследования домохозяйств, взаимосвязь экономических и поведенческих (институциональных) факторов, необходимость личного внимания к доходам домохозяйств. Привдены научно-методические и практические предложения и рекомендации по рыночным механизмам и регулированию возможностей домохозяйств на сегодняшний день.

Ключевые слова: домохозяйство, институциональная единица, человеческий капитал, исследование рационального характера, неоклассическая теория, институциональная экономика, шкала информации, доход домохозяйства, сбережения домохозяйства.